

УЗУМЧИЛИКНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШДА ИҚТИСОДИЙ РАЎБАТЛАНТИРИШ ЎРНИ

Аннотация. Мазкур мақолада мамлакатимизда узумчилик тармоғи ривожланишининг долзарблиги, ер майдонлари ва ҳосилдорлиги таҳлил эжитилгани ҳолда тармоқни ривожлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Аннотация. В статье анализируется актуальность развития отрасли виноградарства в стране, площади земель и продуктивности, а также разрабатываются предложения по развитию отрасли.

Annotation. This article analyzes the relevance of the development of the viticulture sector in the country, the area and productivity of land, and develops proposals for the development of the sector.

Калит сўзлар: узумчилик, географик жойлашуви, иқлим шароити, ҳосилдорлик, ер майдони, токзорлар, ривожлантириш, салоҳият.

Хар қандай мамлакатда қишлоқ хўжалиги давлатнинг доимий ғамхўрлигида, кўллаб-қувватлаши ва субсидия ҳамда дотациялари ҳисобига кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни таъминлай олади. Мамлакатимизда ҳам аграр тармоқни кўллаб-қувватлашга, манзилли дастурлар орқали, аниқ иқтисодий ричаклар ёрдамида рағбатлантиришга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Бу айниқса ўзининг узок йиллик деҳқончилик ананасига эга бўлган узумчилик тармоғида ўзининг таъсир доираси эга. Сабаби, мамлакатимизнинг географик жойлашуви, иқлим шароити, қуёшнинг фаол ҳарорат йиғиндиси 4000-5000 градусни ташкил қилганлиги, ҳосилдор суғориладиган ерлари ва шуни алоҳида айтиш керак, ўзига хос тоғ ва тоғолди ҳудудлари саноат миқёсидаги узумчиликни ривожлантиришга замин яратади. Хусусан, мамлакатимиз Ўрта Осиё ҳудудининг марказий қисмида, яъни Европанинг Италия давлати билан бир хил географик кенгликда жойлашган.

Бу эса узумчилик тармоғининг барқарор ривожланиши ва узумчилик ривожланган Европа давлатлари каби тибий, иқтисодий салоҳиятлар мавжудлигини ифодалайди.

Хозирги кунда Ресепубликамиз ҳудудларида экиш учун тавсия этилган кишлок хўжалик экинлари давлат реестрида 45 та узум навлари мавжуд. Мана шу навлар ичида Қора жанжал, Андижон қора узуми, Буаки нор, Буаки тош, Бишти, Қора ва Оқ кишмиш, Паркент ва бошқа навлар ҳали ҳам ўз ўрнини йўқотмаган.

Собиқ Иттифоқ даврида Ўзбекистондаги токзорлар майдони Ўрта Осиё республикаларидаги узумзорларнинг жами майдонининг қарийиб 60 фоизини ташкил қилган. Узумчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича Арманистон, Грузия, Молдавия республикалари қатори юқори ўринларда турган. Собиқ Иттифоқда тайёрланган кишмиш ва майизнинг 85-90 фоизи республикамизда тайёрланган. Кейинги йилларда Республикамининг соҳамизга таалуқли илмий тадқиқот муассасалари томонидан маҳаллий шароитларимизга мос, ҳосилдор, юқори сифатли маҳсулот етиштириш имконини берувчи Гўзал қора, Ризамат, Кишмиш ВИРа, Кишимиш Сўғдиёна, Кишмиш Хишрау, Тарнау ва бошқа хўраки-кишмишбоп навлар, Магарачский, Мускат Узбекистанский, Ташкентский, Рангдор, Олтиндай навли техник узум навлари яратилди.

Республикамизда маҳаллий навлардан ташқари Франция, Италия, Германия, Грузия ва бошқа давлатлардан интродукция қилинган Каберне Совиньон, Моратель, Хиндогни, Ркацители, Рислинг, Мускат Розовый, Мускат Венгерский, Алеатико каби юқори сифатли вино, вино материаллар ва шампан винолари тайёрлаш имконини берувчи узум навлари экилмоқда.

2019 йил ҳолатига кўра кишлок хўжалик корхоналари тасарруфида жами 82,5 минг гектар токзорлар мавжуд бўлса, у 2018 йилда 88,3 минг гектарни ва 2017 йилда 97,5 минг гектарни ташкил этган. Ҳудудлар кесимида қарайдиган бўлсак, Самарқанд (25, 2 минг га) ва Тошкент (12,8 минг га) вилоятлари

етақчилик қилса, энг паст кўрсаткич Сирдарё (0,6 минг га) ва Хоразм (1,0 минг га) улушига тўғри келади (1-жавдал).

1-жадвал

Республикамизда 2017-2019 йилларда жами ва ҳосилли тоқзорлар майдони, гектар

№	Вилоятлар	Жами тоқзорлар майдон			шу жумладан ҳосилли тоқзорлар майдон		
		2017 йил	2018 йил	2019 йил	2017 йил	2018 йил	2019 йил
1	Қорақалпоғистон Республикаси	1 181	1749,5	1 635	735	1193,2	1 115
2	Андижон	2 586	2578,7	2 410	2 202	2177,2	2 035
3	Бухоро	6 433	9188,1	8 587	5 558	6826,7	6 380
4	Жиззах	2 766	3673,8	3 434	1 276	1290,8	1 206
5	Қашқадарё	10 584	6481,9	6 058	7 826	4660,4	4 356
6	Навоий	4 162	4453,3	4 162	3 890	4202,4	3 928
7	Наманган	9 533	5915,5	5 529	7 732	5720,7	5 346
8	Самарқанд	30 412	26993,7	25 228	26 868	23754,5	22 200
9	Сурхондарё	12 954	10566,7	9 875	10 717	8566,6	8 006
10	Сирдарё	396	686,5	642	295	516,3	483
11	Тошкент	13 851	13714,8	12 818	9 322	9771,9	9 133
12	Фарғона	1 605	1240,4	1 159	1 412	1086,3	1 015
13	Хоразм	994	1076,6	1 006	795	822,2	768
	Жами	97 457	88319,5	82 542	78 627	70589,2	65 971

2017-2019 йилларда тоқзорлар майдонининг камайиб бориш динамикасига эга бўлди. Боиси, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 9 январдаги “Фермер хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари ер майдонларини мақбуллаштириш ҳамда қишлоқ хўжалиги экин ерларидан самарали фойдаланишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 14-сон қарори¹га асосан боғ ва тоқзорларни мақбуллаштиришда сўнгги уч йилда олинган ҳосил, уни сотишдан тушган тушум тўғрисидаги статистика органларига топширилган ҳисоботлар, банк ҳисобварақларида айланган маблағлар, янги ташкил этилган боғ ва тоқзорларга сарфланган харажатлар таҳлиллари асосида эски, иқтисодий жиҳатдан самарадорлиги паст бўлган

¹ <https://lex.uz/docs/4149388>

(кўчат сони кам бўлган, кўчатлар интенсив усулда экилмаган) токзорлар белгиланган тартибда бузилиб, экин ер майдонлари таркибига қўшилди.

Умуман олганда ислохотлар даврида 5 марта оптималлаштириш амалга оширилди ва бир фермер хўжалигига тўғри келадиган ўртача токзор майдони 2008 га 3 гектардан 2014 йилда 15,3 гектаргача ҳамда 2016 йил яна 2,8 гектардан 2019 йилда 13,7 гектаргача тебраниб турди (1-расм).



Мавжуд токзорларнинг 87 фоизини хўраки ва кишмишбоп узумлар майдони ташкил қилади. Саноатбоп узумлар майдони 11-12 минг гектарни, ёки токзорлар умумий майдонининг 13 фоизини, шундан қимматбаҳо узум навлари 4-5 фоизни ташкил қилади. Хусусан 2017 йилда хўраки узум навли токзорлар майдони 51507 гектарни ташкил этган бўлса, 2018 йилда 37784 гектарни ва 2019 йилда 37293 гектарни ташкил этган. 2017 йилда кишмишбоп узум навли токзорлар майдони 21,9 минг гектарни ташкил этган бўлса, 2018 йилда 30,2 минг гектарни ва 2019 йилда 13,9 минг гектарни ташкил этган (2-жадвал).


**2017-2019 йилларда мавжуд тоқзорларнинг навлари бўйича
тақсимланиши, га**

Вилоятлар	Навлар бўйича майдон, га								
	хўраки			кишмиш-боп			техник сорта		
	2017 йил	2018 йил	2019 йил	2017 йил	2018 йил	2019 йил	2017 йил	2018 йил	2019 йил
Қорақалпоғистон Республикаси	1181	1635	1614	20	143	142	709	165	145
Андижон	1816	2035	2008	73	74	75	697	301	297
Бухоро	3281	3918	3867	1791	2965	3004	1361	1665	1643
Жиззах	1655	2690	2655	166	81	82	945	661	652
Қашқадарё	6357	4481	4423	1902	478	484	2325	1093	1079
Навоий	1213	1283	1266	2666	2631	2666	283	214	211
Наманган	5390	3939	3888	1642	400	405	2501	1183	1168
Самарқанд	20193	5010	4945	6083	17499	17729	4136	2489	2457
Сурхондарё	4657	7403	7307	3829	1054	1068	4468	1404	1386
Сирдарё	250	475	469	2	12	12	144	155	153
Тошкент	3737	3053	3013	3725	4904	4969	6389	4795	4733
Фарғона	783	857	846	21	144	146	801	156	154
Хоразм	994	1006	993	0	0	0	0	0	0
Жами	51507	37784	37293	21900	30241	30640	24050	14116	13932

Кейинги йилларда саноат узумчилигини ривожлантириш борасида қабул қилинган дастурларнинг ижобий натижасида 2018 йилда икки минг гектар 2019 йилда 1300 гектар майдонда саноатбоп навли тоқзорлар барпо қилинди. Натижада тоқзорларнинг ҳосилдорлиги ортиб бормоқда.

Хусусан 2017 йилда республика бўйича тоқзорлар ҳосилдорлиги ўртача 144 ц/га ни ташкил этган бўлса, 2018 йилда 149 ц/га ни ва 2019 йилда 155 ц/га ни тақшил этмоқда.

Ҳудудлар кесимида кўриб чиқадиган бўлсак, Андижон вилоятида 2017 йилда 185 ц/га, 2018 йилда 175 ц/га ва 2019 йилда 184 ц/га ни тақшил этган бўлса, Фарғона вилоятида 2017 йилда 136 ц/га, 2018 йилда 144 ц/га ва 2019 йилда 187 ц/га ни тақшил этган. Вилоятлар орасида энг юқори ҳосилдорлик Хоразм вилоятига ва энг паст ҳосилдорлик Қорақалпоғистон Республикаси улушига тўғри келади (1-расм).



Республикада мавжуд токзорлар ҳосилдорлиги, ц/га

Юқоридаги таҳлиллар асосида мамлакатимизда узумчилик ривожланиш динамикаси ва салоҳиятидан кўришимиз мумкинки, истиқболда бу тармоқ нафақат жозибали инвестиция сегменти балки аҳоли даромадининг асосий бўғинларидан бирига айланади.

Бунинг учун эса давлатнинг доимий рағбатлантирувчи дасатклари ва уларнинг амалётда тўғри фойдаланиш билан боғлиқ ташкилий иқтисодий механизмлар ишлаб чиқилган бўлиши мақсадга мувофиқ.

Шу боис фикримизча умумчилик тармоғини давлат томонидан рағбатлантиришнинг самарали усуллари ва воситалари сифатида кўйидагиларни келтиришимиз мумкин.

- устун даражада техник навлардаги узум плантацияларини кенгайтириш ва ривожлантиришга, виночиликни ривожлантиришга, ресурсларни тежайдиган замонавий технологияларни жорий қилишга ва виночилик корхоналарини комплекс равишда модернизация қилишга имтиёзли кредитлар ажратиш;

- рақобатбардош виночилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилишда, ташқи бозорлар конъюнктурасининг чуқур маркетинг тадқиқотларини амалга ошириш йўли билан экспорт салоҳиятини оширишда, шунингдек, маҳаллий виночилик

маҳсулотларини, шу жумладан, чет элда оммалаштиришда узум етиштирувчилар ва вино тайёрловчиларни қўллаб-қувватлаш;

- хорижий ва маҳаллий таълим муассасалари, илмий-тадқиқот институтлари ва тармоқнинг етакчи ишлаб чиқарувчилари билан ҳамкорлик қилиш йўли билан узумчилик ва виночилик соҳасида юқори малакали мутахассисларни тайёрлашга кўмаклашиш ва бошқалар

Хулоса қилиб айтганда, узумчилик тармоғи нафақат кишлоқ хўжалиги кархоналари учун балки деҳқон хўжаликларининг ҳам асосий даромад манбаидан бири бўлиб, уни қўллаб-қувватлаш орқали кишлоқ худудларида истекомат қилаётган аҳолини даромад билан таъминлаш, узумчилик маҳсулотларини қайта ишлаш орқали қўшилган қиймат яратиш имкониятларига замин бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлиги маълумотлари
2. <https://lex.uz/docs/4149388>
3. Аграр тармоқда оптималлаштириш муаммолари ва уни ҳал қилишнинг услубий жиҳатлари. <http://samvmi.uz/frontend/web/images/buxnashr/5>